



Савол:

Бокиралик латтасини бошқаларга кўрсатиш мумкинми?

Жавоб:

Бу исломдан беҳабар кишилар қиладиган ишдир, уни қилишдан уялмоқ ва оқибатидан кўрқмоқ лозим. Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам “Қиёмат кунида Аллоҳнинг ҳузуридаги энг ёмон одам, аёлига яқинлик қилиб эртасига одамлар ичида буни ёядиган кимсадир” деганлар (Абу Довуд ривояти) Қилган ишини сўз билан айтган кимсанинг ҳоли шу бўлса, унинг асоратини латтага теккизиб одамлар олдига уни байроқ қилиб олиб чиққан кимсанинг ҳоли нима бўлади?! Бу исломда қабих саналган ишлардандир. Бу латтани ҳеч кимга кўрсатмасдан йўқ қилиб юбориш керак. Жуда қисти-қафас қилаверишса “ишлар яхши” деб қўйишлик кифоя қилади. Ундан у ёғига ўтиб бўлмайди. Валлоху аълам.